MILLIY KUTUBXONA MILLIY BIBLIOTEKASI INV.№

Ислом КАРИМОВ:

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИБ БОРАЁТГАН СИЁСАТ БУ — ТИНЧЛИК СИЁСАТИ! БИЗЛАРГА ҲЕЧ НАРСА КЕРАК ЭМАС. ФАҚАТ ТИНЧЛИК КЕРАК. КУЧИМИЗ ЕТАРЛИ, БОЙЛИГИМИЗ ЕТАРЛИ, СИЁСАТИМИЗ АНИҚ, КЕЛАЖАГИМИЗ, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗ АНИҚ. ЭНГ МУҲИМИ, МАНА ШУ ЙЎЛДАН ОҒИШМАЙ ОЛҒА БОРИБ, МАҚСАДИМИЗГА ЕТАМИЗ ДЕБ, ХАЛҚИМИЗ БЕЛИНИ МАҲКАМ БОҒЛАГАН.

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❐ 2000 YIL 10 AVGUST PAYSHANBA № 91 (26.641)

МИЛЛАТ ОЗОД — ЮРТ ОБОД, ИСТИҚЛОЛ БЎЛ ТОАБАД!

МУСТАҚИЛЛИК 1991 2000



СИМ ОРҚАЛИ СУҲБАТ

БИР ДАРАХТНИНГ МЕВАЛАРИМИЗ

Дўстлар дийдорини соғиниш, қувончига шерик бўлиш энг олий фазилат. Бизга хайрихоҳлик билан қарайдиган азиз биродарларимизнинг она Ватанимиз ҳақидаги, келажагимиз борасидаги ёниқ гапларидан кўнглимиз беҳад мамнун тортмоқда. Истиқлол байрами арафасида айрим қардош давлатларнинг йирик нашрлари раҳбарлари билан телефон орқали гаплашдик.

Ержуман СМОЙИЛ, «Егемен Қазақстан» газетаси Бош муҳаррири: (Қозоғистон)

— Илдизимиз бир. Танамиз бир. Бир дарахтнинг меваларимиз. Сарҳадларимиз яқин. Айтиш жоизки, адирларимизда ўзбек чавандози билан қозоқ ўғлони ёнма-ён от суради. Бир-биримиздан қиз олиб, қиз берамиз — қудаандамиз. Тўйларимиз ўхшаш, ниятларимиз уйғун. Ўтовларимизда янграган ўйин-кулгуда қардошимиз ўзбек иштирок этса бошимиз осмонга етади. Бовурим-ўзбегим меҳмон бўлди, деб суюнамиз.

Мен барча ўзбекистонликларни истиқлол байрами билан қутлайман. Ҳамкасбларим ижодига ривож тилайман. Энг яхши ниятларим, сўз билан ифода қилишим қийин кечаётган тилакларим Сизники.

Гапимнинг охирида айтарим: Ўзбекистон тўққизинчи бор ўз озодлик куни, миллий айёмини нишонлаб тўй қилади. Бу тўйнинг овозаси дунёни тутади. Биз қардошлар, елкадошлар ҳам навқирон ҳур Ўзбекистоннинг истиқлол тўйида тўйингизга тўй улансин, тинчлигингиз барқарор бўлсин, деймиз.

Догдурбек ЮСУПОВ, «Кыргыз туусу» газетаси Бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари: (Қирғизистон)

— Бугун ер юзида инсоният тинчлик ва осойишталик, оназаминимизни турли фалокатлардан асраб қолиш учун қўлни қўлга бераяпти. Биз атрофимизда бўлаётган воқеаҳодисаларга бефарқ бўлолмаймиз. Айниқса, Ўзбекистон давлати Президенти, раҳбарияти, ўзбек биродарларимизнинг ўтган йилги Боткен воқеаларига жим қараб туролмаганини дўстликнинг чинаккам намунаси деб биламан. Қирғизлар Ўзбекистон давлати томонидан кўрсатилган беғараз ёрдамни сира эсдан чиқармайди. Биз ёнгинамизда қудратли дўстимиз борлигини яна бир бор ҳис қилдик.

Барча соҳалардаги алоқаларимиз тобора жипслашиб бормоқда. Бишкекда Ўзбекистон миллий маданий маркази фаолият кўрсатаяпти. Ўш вилоятида эса Қирғиз-Ўзбек университети мавжуд. Мазкур илм даргоҳининг ректори ўзбек ўғлони. У Қирғизистон Жоғорқу Кенеш депутати. Университетда кўплаб ўзбек ўғил-қизлари таҳсил олишади.

Қирғиз ва ўзбек эт билан тирноқ. Бир жону бир тан. Бугун бизнинг асосий мақсадимиз ана шу яқинликни, жипсликни қўлдан бермаслик. Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликда олдга юрсак ютқазмаймиз.

Ўрозназар ХОДЕКОВ, «Ашгабат» газетаси Бош муҳаррири: (Туркманистон)

— Дунёда байрамлар кўп. Лекин ҳар бир халқ учун ўз озодлиги нишонланадиган кун ўзгача бўлади. Бу миллатнинг ўзини таниган, топган, қаддини тиклаган, ғурурини баланд этган кун деб баҳоланади. Қондош ўзбек дўстларимизнинг истиқлол айёми ҳам ўзбекистонликлар учун нондай азиз, ҳаводай бебаҳо! Ўзбекистоннинг мустақиллик тўйини биз ҳам ўз хонадонимизда тўй бўлаётгани каби шод қаршилаймиз. Туркман ким, ўзбек ким, деб сўраб-суриштиришнинг ҳожати йўқ.

Халқларимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ўз давлатининг раҳбарларига инониб, ишониб, келажакка умид билан қарадилар ва янглишмадилар. Қийинчиликлар ортда қолди. Ўзбекистон давлати олиб бораётган сиёсат бугунги кунда ижобий баҳоланаяпти. Марказий Осиё халқлари ҳаётига тааллуқли бўлган жаҳоний аҳамиятга молик йирик ишларнинг амалга ошишида муҳтарам Президент Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидламоғимиз керак.

Бизу Сизга туркманбошимиздай ва Президентингиздай дадил ва шижоатли инсонларни Оллоҳ ато этганидан қувонишимиз керак. Келаётган байрамингизни хуш кайфият билан кутиб олишингизни истайман.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ ёзиб олди**

Ватанимизнинг иқтидорли ёшлари дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги нуфузли олийгоҳларда таълим олишмоқда. Шу жумладан республика Банк-молия академиясида таҳсил олаётган ёшлар ҳам ўз мутахассисликларини жаҳон андозаларига тенглаштириш, мамлакатимиз келажаги учун етук кадрлар бўлиб етишиш мақсадида ўқув машғулотларини хорижда амалга оширишмоқда.

Шу кунларда академия талабалари ёзги амалий таълим машғулотларини АҚШ, Япония, Буюк Британия, Голландия ва Греция каби илғор мамлакатларнинг олий даргоҳларида ўтказишмоқда. Шунингдек, Белгия ва Гонгконг каби мамлакатлар билан тажриба алмашиш борасида келишув ишлари олиб борилмоқда.

Энг қувонарлиси, Голландиянинг Маастрхс мактабида менежмент курси бўйича амалий машғулотлар самарали бўлмоқда. Амалий машғулот дастури тўрт ҳафталиқ бўлиб, уни етук голланд мутахассислари олиб боришади. Қўшма келишувга биноан Маастрхс мактабида Ўзбекистон хонаси ташкил этилди. Ушбу хонада юртимизга тааллуқли экспонатлар, илмий қўлланмалар, журналлар, турли ранг-тасвир асарлари жой олган. Бу ерга ташриф буюрганлар мамлакатимиз ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишади. Мазкур хона мустақиллигимизнинг 9 йиллигига бағишланди.

Суратларда: Маастрхс мактабидаги Ўзбекистон хонаси.

■ **Владимир ПАНОВ олган суратлар**

ОЗОДЛИКНИНГ ЎТЛИ ОВОЗИ

«Дунёни гўзаллик қутқаради», деганида ёзувчи минг бора ҳақ эди. Гўзаллик том маънода адабиётда жамланган. Маънавий юксаклик, тафаккурнинг қамрови ҳаётни англаш, турмуш моҳиятини тушуниб етиш билан ўлчанади. Шукрки, бугунги кунда мамлакатимизда мустақиллик адабиёти ўзининг тараққиёт босқичига кирди. Озодликни, ҳурриятни тараннум этиш бош ғояга айланди. Озодлик — шунчаки сўз эмас, унинг замирида миллат бор. Миллат ўзининг қудратини, салоҳиятини, ҳеч бир миллатдан кам эмаслигини юрак-юракдан ҳис этгандагина озодлик имонга, эътиқодга айланади. Иқтидорли ёшларнинг камол топишида яқиндан кўмак бериб келаётган Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси хайрли ишни давом эттириб, «Истиқлол умидлари» тўпламини чоп эттирди. Мазкур тўпламдан юртимиз ёшларининг қалдирғоч асарлари ҳамда Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган «Истиқлол янги давр, янги қаҳрамон» ва «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танлови ғолибларининг асарлари жой олган.

Бир сўз билан айтганда, ёш адибларга кўрсатилаётган алоҳида эътиборнинг мевасидир бу китоб.

■ **Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

ТИНЧЛИК — АЗИЗ, ОЗОДЛИК — МУҚАДДАС

Инъомиддин ИМОМОВ — талаба:

— Ҳали ҳам бизнинг ўлкадаги тинч-тотувликни кўролмаган ёвузлар кўп экан. Юртимизнинг жанубий ҳудудларида рўй берган воқеалар ҳар биримизни яна бир бор ҳушёрликка чорлади.

Бу жуда хунук воқеа. Халқ тинч яшаб турган пайтда қурол билан келиб, қон тўкиб, яна ўзларини ҳақ қилиб кўрсатмоқчи бўлишади. Одамларга ёқадими шу?

Халқимиз тинч яшаяпти. 16 февраль воқеалари ҳаммамизнинг кўзимизни очган. Қонли тажовузлардан ҳазар қиламиз. Қолаверса, бу на эскичага, на янгига тўғри келади.

Биз она — юртимизни ҳеч кимга оёқости қилдириб қўймаймиз.

Мустақилликка муносиб бўлиб, тинчлигимизни ҳимоя қила оламиз.

Феруза ХОЛИҚОВА — талаба:

— Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун тумани тоғли чегара ҳудудларида жангарилар тинчлик-осойишталикка таҳдид қилгани ҳақида эшитиб, ўшалардан нафратланиб кетдим. Душманларимизнинг иши бу. Тинчлигимизни буздими, демак, бизни кўра олмайди. Бундайлар ҳеч бир халққа ҳеч қачон яхшилик қилмаган. Бузғунчими, нияти бузуқми, аяб ўтирмасдан шартта додини бериш керак.

Гулнора ШОДИЕВА — Каттақўрғон шаҳри:

— Халқимиз кўп-кўп фожиа ва қулфатларни бошидан кечирган. Энди оғзи ошга етганда бу қора кучлар бунча ёпишиб қолди?

Масалан, мен ўраниб-чирманиб юришни ёқтирмайман, лекин динимизни қадрлайман. Демократия шунақа бўлади.

Ҳаётимизни бузиб ташламоқчи бўлган ёвуз одамларга қарши халқимиз оёққа туриши, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда курашишимиз керак. Кўпдан қуён қочиб қутулмас, деган гап бор.

Садриддин ҚУРБОНОВ — хизматчи:

Албатта, бундай ҳодисага ҳамма ҳам салбий муносабатда бўлади. Бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиш, тинчини бузиш, кечирасиз-у, бориб турган жаҳолат-ку! Мен тушунмайман, қанақа одам булар? Шуларни ҳам оналар туққанми?

Халқ қандай йўлдан боришни ўзи танлайди, четдан туриб, қурол билан таҳдид қилиб унга ақл ўргатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Мен шундай деб ўйлайман.

Биз ўзимизнинг Ватанимизни, тинчлигимизни ҳимоя қилишиз керак. Бунга кучимиз, қурбимиз етади.

Тинчлик ҳар бир соғлом фикрли одам учун азиз. Тинчлик бўлмаса, ҳеч нима бўлмайди. Буни кўп-кўп мамлакатлар мисолида кўриб турибмиз.

ТЕРРОРЧИЛАР НИЯТИГА ЕТОЛМАЙДИ

УЗУН. (ЎзА мухбирлари М. Намозов ва Ч. Тўхтаев хабар қилади). **Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларидаги баланд тоғ қишлоқларига Тожикистон орқали суқилиб кирмоқчи бўлган террорчилар гуруҳларини тугатиш борасидаги ишлар режа бўйича давом этмоқда. Жангарилар кимсасиз тоғ дараларидан бирида қуршаб олинган. Уларнинг Тожикистон Республикасига ўтиб кетиш йўллари тўсиб қўйилган.**

Жангариларнинг радиоалоқа воситаларини кузатиб турган хизматчиларнинг таъкидлашича, тўқнашувларда ўн бешга яқин террорчи йўқ қилинган.

Террорчиларни бир ҳамлада ҳам йўқ қилишимиз мумкин, дейишди бизга ҳарбийлар. Лекин бунинг учун ўзимиздан ҳам қурбон беришга тўғри келар эди. Аскарлар ҳаётини хавф остига қўйишни истамаётган командирлар душманнинг аниқланган позицияларига қарата миномётлар ва вертолётлардан ўқ ёғдириш йўлини тутмоқда. Бу эса аскарлар орасида қурбон беришнинг олдини олаётир. Душман ўтиши эҳтимол бўлган барча сўқмоқлар, йўллар ва довонларда мустаҳкам назорат постлари ташкил этилган. Террорчилар ҳаракатини кечаю кундуз кузатиб турган аскарларимизнинг қурол-яроғ ва озиқ-овқатдан камчилиги йўқ. Ҳарбийларимизга маҳаллий аҳоли яқиндан кўмак бермоқда.

Ишончли манбалардан олинган маълумотларга қараганда, мазкур босқинчи гуруҳлар сафида ўтган йили Қирғизистоннинг Боткен туманида юз берган қонли воқеаларда бевосита иштирок этган террорчилар ҳам бор. Жангариларнинг айримлари ўзаро хорижий тилларда сўзлашаётгани чегара ҳудудидаги тоғларда халқаро террорчилар гуруҳи жойлашиб олганидан далолат беради.

Жангариларнинг Ўзбекистон сари ёвузона юришдан бош мақсади — наркотик моддалар ва қурол-яроғ транзитини йўлга қўйиш. Улар ўзларининг барча кирдикорларини ҳар хил сиёсий шиору талаблар билан ниқоблашга уриниши мумкин. Лекин террорчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш ва радио сўзлашувларини таҳлил қилиш уларда ҳеч бир сиёсий маслак йўқлигидан дарак бермоқда.

Жангарилар ўрнашиб олган ҳудудларга яқин бўлган Киштут, Саринова, Регистон, Кунтурмас, Ҳамидарча каби кичик тоғ қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли бехавотир жойларга кўчирилди. Уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Бу воқеалардан Сариосиё ва Узун туманлари, умуман Сурхондарё вилояти аҳолиси хавотирду таҳликага тушгани йўқ, кундалик осойишта меҳнат билан банд. Воҳада ҳаёт аввалгидек маромида давом этмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«СУВНИНГ БАҲОСИ ОҚИБАТДАН ҚИММАТМИ?!»

«Ўзбекистон овози»нинг шу йил 8 июль сонида чоп этилган «Сувнинг баҳоси оқибатдан қимматми?!» сарлавҳали мақола Тошкент шаҳар Савдо департаментида ва туман бошқармаларида ўрганиб чиқилди. Туман бошқармалари орқали савдо корхоналари ва тадбиркорлар билан муҳокама қилинди.

Маълумки, Тошкент шаҳрида 1995-1997 йилларда барча савдо корхоналари шахобчалари, шу жумладан улар қаторида газли сувлар сотадиган автомат ускуналари, давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилган. Улар қонунчиликда белгиланган тартибда мулк эгаларига топширилган.

Бугунги кунда шаҳар ҳудудида газли сувлар сотадиган автомат ускуналар сони бирмунча қисқарган, сабаби улар собиқ совет даврида ўрнатилган (асосан 1990 йилгача ишлаб чиқарилган ва сотиб олинган). Кўп йиллар давомида фойдаланиш оқибатида уларнинг асосий эҳтиёт қисмлари яроқсиз бўлиб кетган (темир танга қабул қилиш ва ҳисобга олиш механизми).

Ҳозирги кунда туман бошқармалари томонидан юқорида кўрсатилган мақола бўйича тадбиркорлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Келажакда республикамизда жойлашган машинасозлик корхоналаридан бири газли сув сотадиган автомат ускуналарини ишлаб чиқса, шаҳарда уларнинг сони анча кўпаяди ва аҳолини чанқовбосди ичимликларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ қондириларди, деб ўйлаймиз.

■ **Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғининг ўринбосари С. САИДАҲМЕДОВ**

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси таҳририяти қошида ташкил этилган

«ҚАЛАМКАШ»

ёш журналистлар мактабининг навбатдаги гуруҳига суҳбат асосида тингловчилар қабул қилинади. Ўқиш муддати бир йил. Маъруза ва амалий машғулотларни журналистика соҳаси бўйича етакчи олимлар ва таниқли журналистлар олиб боришади. Битирувчиларга ҳужжат берилади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 3-қават, 356-хона, «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси таҳририяти. Тел.: 136-55-05

Кончилар шаҳри — Ангреннинг қиёфаси кейинги йилларда анча ўзгарди. Бир-биридан шинам, муҳташам бинолар, уй-жойлар, равон йўллар шаҳар кўркига кўрк қўшмоқда. Шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган маиший хизмат коллежи ҳам Ангрендаги ўзига хос бинолардан бири бўлади.

«Ўзбекшаҳтақурилиш» трести бунёдкорлари шу кунга қадар 900 ўқувчига мўлжалланган асосий ўқув биноларини, 200 ўринли ётоқхона, ошхона, спортзал ва устахоналарни





қуриб битказдилар. Айни кунларда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда «Кўмиркурилиш» ҳамда «Уйжойқурилиш» акциядорлик жамиятлари, 15-кўчма механизациялашган жамланма, «Арго», шунингдек, Наманганнинг «Камолот» қурилиш фирмалари фаол иштирок этмоқда.

Коллежда маиший хизмат йўналишида 16 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади.

Суратларда: 1. Қурувчилар Тўхтахўжа Авлиёев (юқорида) ҳамда Сергей Белюклар (пастда) иш устида. 2. Қурилиш давом этмоқда.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар

ХДП ХАБАРИ

ФАОЛЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Мамлакатимиз парламентига ўтказилган сайловлардан кейинги давр ичида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётида жўшқинлик ўрнини сокинлик, аъзолари фаолиятида эса тушкунлик кузатилгандек бўлди. Чунки, бошқа партиялар ўз ишларини имкон қадар бўрттириб кўрсатишга уринаётганда ХДП аъзолари оғир тошга айландилар. Хўш, аслида ҳам шундайми? Етакчи партия саналиб келинган ЎзХДП жойлардаги кенгашлари, бошланғич ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Яқинда ЎзХДП Бухоро вилояти Кенгаши фаолларининг йиғилишида айнан ана шу саволларга урғу берилди. ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби А. Рустамов маърузаси тўпланганларнинг мунозара, таклифларига туртки бўлди.

— Бундан ҳам нуфузли, обрўли бўлиш учун партия Марказий Кенгаши котиблари кўпроқ ўзининг қуйи бўғинлари ҳаёти билан танишишлари керак, — дейди Бухоро туман партия кенгаши биринчи котиби С. Жўраева.

Йиғилишда сўз олган Жондор туман партия кенгашининг биринчи котиби Қ.Пўлатов партия марказий нашрлари ва бошқа оммавий ахборот воситаларида партия ташкилотлари ҳаёти кам ёритилаётганини куюниб гапирди. Когон туманидаги 5-мактаб ўқитувчиси, вилоят кенгаши депутати Б. Комилова, Шофиркон туман партия кенгаши биринчи котиби А. Асадов ахборотлар тўпламлари, тавсиялар, қўлланмалар тайёрлаш вақти келганлигини алоҳида таъкидладилар. Хуллас, ЎзХДП партия кенгашлари ва ташкилотларининг ҳозирги босқичдаги фаолиятининг устувор йўналишлари тўғрисида йиғилиш қатнашчилари бир тўхтамга келдилар: фаоллик асосий меъзон, бўлажак сайловларга ҳозирдан тайёргарлик кўриш, тушкунликка эса ўрин йўқ!

Фаоллар йиғилишида ЎзХДП Марказий Кенгаши маслаҳатчиси М. Ельшов қатнашди ва сўзга чиқди.

■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Бугунги кунда фаолият кўрсатиб турган банкларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тўлиқ иш юритиши учун ҳуқуқий негиз барпо этилганлиги эътиборга моликдир. Банкларнинг иқтисодиётни ислоҳ этиш билан боғлиқ барча жараёнда ҳал этувчи куч эканини инобатга олиб, Марказий банк бошчилигида республикамизда изчил банк тизимининг қарор топиши иқтисодий стратегиясини аниқ мақсад сари йўналтириш, умумиқтисодиётни ислоҳ этиш борасида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Бунга мисол қилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 апрелдаги «Давлат-тижорат Халқ банкини янада ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини олиб қарашимиз мумкин. Қарорда Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг активлари банк фаолиятининг халқаро андозаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Халқ банки Низом жамғармасини 3 миллиард сўм миқдорида белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди ва унинг манбалари Молия вазирлиги (51 фоиз), Марказий банк (49 фоиз) ҳисобидан шакллантирилди. Қарор асосида Халқ банкига 2002 йилнинг 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилиш тўғрисида берилган катта имтиёзлар ўз навбатида банкнинг инфратузилмасини ривожлантиришга, яъни бўшайдиган маблағлар тўлов ҳужжатларини автоматлаштирилган тартибда ишлаши ҳамда банк операцияларини ҳисобга олиш бўйича ички тизимли локал компьютер тармоқларини ташкил этишга, моддий-техника базасини яратиш ва мустаҳкамлашга, банк муассасалари тармоқларини кенгайтиришга, хорижий консультатларни жалб қилишга, шунингдек кадрларни ўқитишга ва қайта ўқитишга йўналтирилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакат банк тизимида ўзига хос ўрин эгаллаб турган Халқ банки фаолиятида бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Халқ банки истеъмолчилар талабларини энг юқори даражада қондириш учун банкнинг имкониятлари билан бозор талабларини мувофиқлаштириш жараёнини таъминлаш орқали янги мижозларини топмоқда. Халқ банки муассасалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўплаб турдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Жумладан, мижознинг пул маблағларини сақлашда манфаатдорлигини таъминлаш мақсадида «Оила», «Омад», «Жамғарма» каби бир қатор омонат турлари жорий қилинди. Бу омонат шартларига кўра омонатчи йиллик фоиз даромадларини олиш билан бир қаторда, буюм ва пул ютуқларининг соҳиблари ҳам бўлмоқдалар.

Жорий йилнинг 1 августидан Халқ банки ўзининг янги «Абитуриент» мақсадли ва «Ишонч» қисқа муддатли депозит омонатларини халққа тақдим этди. Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган «Абитуриент» мақсадли омонат тури талаба-ёшларга олий ва ўрта махсус ўқув юртларига шартнома асосида ўқишга кириш учун имтиёзли кредит олиш имкониятини яратади. «Ишонч» қисқа муддатли депозит омонатига 6 ой муддатга нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан камида 10000 сўм маблағ қўйиб, омонатнинг сақланиш муддати тугагандан сўнг омонат қолдиғининг 9 фоизи миқдорида даромад олиш мумкин. Омонат муддати узайтирилган тақдирда, омонат қолдиғига нисбатан 2 фоиз миқдорида қўшимча даромад ҳам тўланади.

Нақд пулсиз коммунал тўловларни ўтказиш, солиқ ва жарималарни қабул қилиш, аҳолига қимматли қоғозларни сотиш, уларни сақлаб бориш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги «Банк тизимини ислоҳ

1

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ХАЛҚ МАНФААТИ — МУҚАДДАС

қилиш тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда, мижозларнинг мол-мулкини сақлашга оид сейф операцияларини жорий этиш каби хизматлар турини кенгайтириш йўли билан банк мижозлари эҳтиёжини тўлароқ қондириш ва мижознинг эътиборини тортиш борасидаги саъй-ҳаракатлардир.

Банк фаолиятининг асосий мезони мижозлар эҳтиёжидир. Банк хизматлари бозорида микро ва истеъмол кредитларига бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга барча молиялаштириш манбаалари ҳисобидан микрокредитлар бериш ишларини жорий этиш, шунингдек аҳолига молмулклар сотиб олиши учун қисқа муддатли истеъмол кредитларини бериш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Халқ банки Германия омонат кассалари жамғармаси билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурини амалга оширмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қуватлаш эса бугуннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Бу борада жорий йилнинг июль ойида Халқ банкида Германия омонат кассалари жамғармаси мутахассислари томонидан семинар машғулотлари ўтказилиб, амалга оширладиган стратегик режалар белгиланди.

Бундан ташқари, ҳар бир банкнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниб, айрим турдаги банк хизматлари амалга оширилади.

Президентимизнинг 1995 йил 20 декабрдаги «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида»ги Фармони мустақил давлатимизнинг халқаро майдонда ижтимоий адолатнинг қарор топиши, ўз фуқароларига нисбатан инсонпарвар сиёсат олиб борувчи демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этилаётганлигини яна бир бор тан олинишига сабаб бўлди. Маълумки, собиқ иттифоқ тарқалиб кетганлиги натижасида республикалар ўзаро мажбуриятларини бажармай қўйганлиги туфайли пайдо бўлган танглик оқибатида аҳолининг омонатларидаги пул маблағлари қадрсизланиб, ўзининг харид қувватини йўқотган эди. Ўзбекистон ҳукумати биринчилардан бўлиб омонатлардаги қадрсизланган пулларни индексация қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқди, унинг амалда ижро этилишини таъминлашга киришди. Шу тариқа 2000 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра республикамизнинг бир миллиондан зиёд фуқаросига 28353,0 млн. сўм тўланди.

2

Айни пайтда Халқ банки томонидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам пулларини тўлаш, болали оилаларга нафақалар бериш, пенсия тарқатиш каби бюджет маблағлари билан боғлиқ бўлган вазифаларни бажариб келмоқда.

Уй-жой қурилишини рағбатлантириш ва ривожлантириш мақсадида аҳолига якка тартибда уй-жой қуриш учун Халқ банки жойлардаги муассасалари орқали 25 мингдан ортиқ фуқарога 442,2 млн. сўмга яқин узоқ муддатли кредитлар ажратиб берилди.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, республика банк тизими ва бошқа молия муассасаларини шакллантиришда ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжуд. Бинобарин, банкларнинг барқарор ресурсларини ҳосил қилиш, молия бозорида сармояларни жалб этиш воситаларини вужудга келтириш, ликвидлик ва тўлов қобилиятини таъминлаш, миллий валютани эркин конвертация қилиш вазифасини мустақил ҳал қилишга оид бир қатор масалаларни санаб ўтиш жоиздир.

Яна бир муаммо шундан иборатки, бугунги кунда мамлакатимиз банклари ўз олдиларида турган стратегик мақсадларни ишлаб чиқиш, уни бекаму кўст амалга оширишга қодир бўлган юқори малакали мутахассисларга катта муҳтожлик сезмоқдалар. Шундай экан, банк ходимларининг психологиясини тубдан ўзгартириш, фикран зийрак ва ташаббускор, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган мутахассисларни тарбиялаш, уларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир банк ходими молия маҳсулотларининг сотувчисига айланади. Банк ходимлари малакасини оширишда ҳукуматимиз ташаббуси билан очилган Минтақавий банк ўқув марказларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Ушбу ўқув марказида Халқ банкининг ходимларидан 265 нафари малака оширди. Шунингдек, Халқ банки ходимларидан 6 нафари Германия омонат кассалари жамғармаси билан яқиндан танишиб қайтдилар.

Президентимиз Фармонларига кўра, Давлат ва жамият қурилиши академиясининг ва Банк-молия академиясининг ташкил этилганлиги ҳам айни муддао бўлди. Ушбу ўқув даргоҳларида 11 нафар банк ходимлари таҳсил олиб, магистрлик илмий даражасини олдилар. Ўзбекистон Банклари уюшмаси билан Халқ таълими вазирлигининг қўшма буйруғи асосида 36 та мактаб (Тошкент шаҳрида 10 та, ҳар бир вилоят марказларида 2 тадан) очилиши, бу мактабларда банк соҳасига ихтисослаштирилган синфлар фаолият юритиши ёшлар орасида малакали мутахассисларни тайёрлаш муаммосини ҳал этишга кўп жиҳатдан ёрдам беради. Шунингдек, малакали мутахассислар заҳирасини яратиш мақсадида иқтидорли ёшларни олий ўқув юртларида ўқитиш ва таълим олиш жараёнида вужудга келадиган молиявий муаммоларни бартараф этиш вазифаларини Халқ банки ўз зиммасига олиб, улар бўйича лойиҳалар ишлаб чиқмоқда ва «Соғлом авлод йили»да ҳаётга татбиқ этишни ўз олдига долзарб вазифа қилиб қўйган.

Айни пайтда Ўзбекистон тижорат банклари мижознинг реал эҳтиёжларини қондириши, у ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлган хизматни тақдим қилиши зарур. Халқ банки ҳам бундан мустасно эмас.

■ Ҳикматилла ЮНУСОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки бошқаруви раиси

3

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

ЖАРИМАНИНГ ЗАРАРИ ҚАНЧА?

Президентимиз халқимиз ҳамма нарсага чидаши мумкин, билиб қўйинглар, адолатсизликка чидай олмайди, деган эдилар. Айтиш керакки, инсон ҳуқуқи ва манфаати устун қўйилган янги қонунлар қабул қилинди, меъёрий ҳужжатлар пухталаштирилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти такомиллаштирилиб, ходимлар малакаси оширилди. Мақсад — одил ҳуқуқий демократик жамият қуриш.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга кўра, туманимизда қонунларнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида айрим масъул раҳбар шахслар томонидан фуқаролар ҳуқуқи бузилаётгани, уларнинг меҳнат фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари содир этилаётганлиги аниқланиб, қонуний чоралар кўрилди. Фикримиз далили сифатида яхшиси, мисолларга мурожаат қилайлик. Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари Нозимжон Қурбоновни рўйхатдан ўтмай, лицензиясиз аҳолига транспорт хизмати кўрсатган, деб унга 13200 сўм жарима белгилаган. Мазкур ҳолат бўйича прокуратура томонидан ўтказилган текширишда солиқчилар қарори қонунга зидлиги аниқланди. Натижада Нозимжон Қурбоновга етказилган 10500 сўм зарар давлат солиқ инспекциясидан ундирилиши ҳақида суд ҳукм чиқарди. Солиқчиларнинг нотўғри хатти-ҳаракатига яна бир мисол. Улар «Лочинбек» савдо ишлаб чиқариш дўкони мудири Тўланбой Ҳайитохуновни ялпи даромад солиғини кам кўрсатган, деб уни ҳам маъмурий ва молиявий жаримага тортган. Мазкур ҳолат ўрганилганда давлат солиқ инспекцияси ходимлари дўкон мудирини асоссиз жаримага тортганлиги маълум бўлди. Оқибатда жаримачиларнинг ўзлари «Лочинбек» савдо ишлаб чиқариш дўкони мудири Т. Ҳайитохуновга 8000 сўм моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун 6000 сўм тўлайдиган бўлишди. Туман ҳокимлиги «Истиқболҳисоб» бўлими айби билан эса «Аҳмад» фермер хўжалиги бошлиғи Фарҳод Мадраҳимовдан «1-фермер» ҳисоботини топширмаганлиги учун 5500 сўм жарима ундирилган. Прокуратура протести билан бу иш судда кўрилиб, фермерга қонунга хилоф тарзда жазо қўллагани сабабли туман «Истиқболҳисоб» бўлими айбдор, деб топилди. Ҳар уч ҳолатда ҳам дастлабки қарорлар бекор қилинди. Жаримачиларнинг ўзи жарима тўлайдиган бўлишди. Бу, бир қараганда жўн ишдек туюлади. Аслида-чи? Унинг моҳиятига етмоқ учун аввалги ҳаёт билан бугунги кунимизни солиштирмоқ зарур. Шундагина кўп нарса ойдинлашади. Қонунларимиз энди фуқароларимиз ҳимоясида эканлигини билиб оламиз.

Озодлигимиздан сўнг қабул қилинган қонунларимизда оддий фуқаролар манфаати, уларнинг ҳуқуқи юқори қўйилган. Тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунлар истиқлол шарофати туфайли қабул қилинди. Ишлаб даромад кўраман, дегувчиларга йўл очиқ. Ҳуқуқий асослар яратилган. Гап фақат уларнинг йўлини тўсмасликда қолган. Аммо баъзи бюрократлар, мансабдор тўралар ишловчиларга халақит қилишади, асоссиз уларнинг фаолиятига аралашишади. Юқорида келтирилган мисолларда ҳам баъзи мансабдорларнинг ноўрин ишларига қонуний баҳо берилгани ҳақида тўхталдик. Баъзилар айтиши мумкин, жарима тўласа тўлабди-да, деб. Аввало, қонун бузилишини катта-кичигига ажратиш нотўғри. Кичик ҳуқуқбузарликлар эртага бизни катта хатоликларга бошлайди. У бизни лоқайд, бепарво қилиб қўяди. Агар қонун вақтида унинг йўлини тўсмаса, чора кўрмаса жиноят болалайди, кўпаяди. Шу маънода қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳамма масъулдир.

■ Маъмуржон КИМСАНОВ, Пахтаобод тумани прокурори

ЯНГИ ТЕХНИКАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Шўрўзак» ширкатлар уюшмасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энг сўнгги техника намуналарининг кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмани «Қишхўжмашсервис» вилоят бирлашмаси «Машхолдинг» компанияси билан ҳамкорликда ташкил этди. Унда республикамизда фаолият кўрсатаётган қатор қўшма корхоналар ҳамда Чирчиқдаги қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш корхонаси маҳсулотлари намойиш этилди.

■ Абдужалил УМАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

СИЗ СЕВГАН КУЛГУ УСТАСИ ОБИДЖОН АСОМОВ ЁЗНИ МАЗЗА ҚИЛИБ ЎТКАЗМОҚДА.

Рустам ШАҒАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ҳиндистоннинг Карнатака ва Тамилнад штатлари маъмуриятлари ўтган ҳафта ҳинд кино юлдузи Раж Кумарни гаровга олган жиноятчи талабларини бажаришга кўнди. Хабарларга кўра, мамлакатда анча довруғ қозонган Вирапан отлиқ қароқчи санъаткорни қўйиб юбориш эвазига пул эмас, балки ўнга яқин сиёсий талабни илгари сурган. Жумладан, у икки штат ҳудудидан оқаётган дарё сувларини тақсимлаш сиёсатини ўзгартириш ҳамда тамил элатига мансуб аҳолининг ҳуқуқларини мустаҳкамлашни талаб қилди. Кузатувчиларнинг фикрича, машҳур актёрни гаровга олиш орқали Вирапан қарийб 20 йилдан буён ечилмай келаётган қатор муаммоларни ҳал қилишга муваффақ бўлди.

***

Қирғизистоннинг иқтисодий қийинчиликларни бошдан кечираётгани ҳеч кимга сир эмас, деб ёзади «КАБАР» мухбири. Лекин, шунга қарамасдан, пойтахт Бишкекда ақлни шоширадиган ҳашаматли бинолар қад кўтармоқда. Уларнинг эгалари ким деган саволга оммавий ахборот воситалари жавоб тополмай ҳайрон. Бу ҳашаматли биноларнинг эгалари ойига 50 АҚШ долларига тенг миқдорда маош олган тақдирда ҳам, бир-икки йил ичида шундай ҳайбатли иморатларни қуришга қурби етармикан, деб таъкидланади хабарда. Республика бош прокуратурасининг маълум қилишича, мазкур қурилишларнинг аксарияти ер тўғрисидаги қонунга зид равишда олиб борилмоқда. Яъни, ер майдонлари ўзбошимчалик билан ўзлаштирилмоқда.

***

Кемерово вилояти губернатори Аман Тулеев ҳаётига суиқасд тайёрлашда шубҳа қилинаётган шахслар ҳибсга олинди. Россия федерал хавфсизлик хизмати хабарида айтилишича, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари Москва ва Новосибирск шаҳарларидаги бир неча жойда тинтув ўтказган. Айни пайтда бу борада жиноий иш қўзғатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

***

Мехико полициясининг кўкнори далаларини заҳарли кимёвий моддалар билан йўқ қилиш борасида ўтказган тадбири бир қизчанинг ўлими ва 300 нафар ҳиндунинг заҳарланишига олиб келди. Мамлакатдаги Чиуауа штати инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси раиси Оскар Йенеснинг сўзларига қараганда, полиция мазкур тадбирни ўтказишдан олдин маҳаллий ҳиндуларни огоҳлантирмаган.

***

Дания, Германия ва Норвегиянинг ҳаво кенгликларида 28 август — 8 сентябр кунлари НАТОнинг йирик ҳарбий ўқув машқлари бўлиб ўтади. НАТОнинг Шимолий Европадаги ҳарбий-ҳаво кучлари бошқармасидан хабар берилишича, «НАТО Эйр Мит» деб номланган мазкур машқларда алянсга аъзо 13 мамлакатнинг юзга яқин ихтисослашган ҳарбий самолёти иштирок этади.

***

Украина тегишли талабларни бажармагани учун Халқаро валюта жамғармаси унга кредит беришни тўхтатди. АҚШнинг Украинадаги элчиси Стивен Пайфер ўзининг Киевдаги ваколат муддати тугашига бағишлаб уюштирилган матбуот анжуманида шундай деди. Унинг айтишича, АҚШ Украинага кредит беришни давом эттиришнинг тарафдори, бироқ бу масалани Украинанинг ўзи ХВЖ билан биргаликда ҳал қилиши керак.

■ (ЎзА)

«Қарши ёғ — экстракция»

Биз хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда қўшма корхона ташкил этиб, юртдошларимизни экологик жиҳатдан тоза маҳсулот билан таъминлаяпмиз.

Бу йил пахта ҳосили эрта етилиши кутилмоқда. Шу боис чигитни қайта ишлаш мавсуми барвақт бошланиши турган гап. Айни пайтда корхонамиз ҳосилни қайта ишлашга шай. Демак, деҳқону ишчи-хизматчилар ҳамкорлигида яратилаётган маҳсулотлар халқимиз дастурхонини безайверади.

Олам аҳли бу кун Ўзбек шонига,
Ҳавас ила боққай, йўқ, ҳеч синоат.
Ўз қадрини англаб, қадр топган эл,
Кўнгли соф, меҳнату дилда шижоат.

Озодликнинг мангу ўлмас шаклидан,
Қалблар нўра бунёд қасрий иморат.
Мағрур халқим бошда олтин тожи бор,
Истиқлолдек заррин нурдан иборат.

Юртдошларимизни қутлуғ байрам билан табриклаб, хонадонларида ҳамиша тинчлик, фаровонлик ва тўкин-сочинлик бўлишини тилаймиз.





ЁРУҒ ХИЁБОН

ҲАҚИҚИЙ БОЙСУН

Адашмасам, Эркин аканинг илк ҳикоялари «Гулистон» журналида чоп этилган эди. Биз унда мактаб ўқувчиси — ёш болалармиз. Адабиётнинг маъниси, сир-асрорига унча тушунмаймиз. Билганимиз — шундай журналда номингиз чиқиб турса, одамлар қўлма-қўл қилиб ўқиса, бундан зиёд бахт борми? Газеталар сиз ҳақингизда ёзса, радио-телевидение сиз тўғрингизда гапирса, қизлар ўзингизни қўйиб, сиз яратган қаҳрамонларга ошиқ бўлиб юрса, бир йигитга буюргани шу-да!

Эсимда қолгани — «Отойнинг туғилган йили» қиссаси анча баҳс-мунозарага сабаб бўлган эди. Бир танқидчи чиқади «Мана, ниҳоят, бу қиссада социалистик реализм методининг янги имкониятлари намоён бўлди» дейди, бошқаси чиқади «Ўз домлаларига нисбатан бетгачопарлик қилган талаба илғор совет ёшларининг тимсоли бўла оладими?» дея бонг уради. Ўртада учинчиси чиқиб, «Ўртоқлар шошилмайлик, ёшлар бамисоли нозик ниҳол, уларни бирданига топтаб ташламайлик. Аввало, дунё адабиётида юз бераётган ўзгаришларга эътибор берайлик, шунга қараб, тош-тарозини тўғри қўйиб, ёш ёзувчиларимиз ижодига холис баҳо берайлик» деб бошловчи адибнинг бошини силаган бўлади.

Биз — содда кузатувчилар эса шунча «шов-шув»га сабаб бўлган ёзувчига ҳавас билан қарар, уни ўзимизча ҳимоя қилишга интилар эдик. Айнан мана шундай интилиш бизни адабиётга олиб келган, десам адашмайман.

Адолат юзасидан яна бир нарсани эътироф этмоқ лозим. Биз ўша даврдаги ёш ижодкорлар асарларини ўқигандан сўнг мактабда ўқитиладиган адабиёт билан асл адабиёт ўртасида катта фарқ бор эканини ҳис этганмиз. Мактабда ўқитилган адабиётдан эсда қоладигани — «Она» романининг вақтида ёзилганию Fофурдек камбағалларнинг золим бойлар дастидан азоб чеккани ва яна аллақандай, яъни нуқул нафратни тарбияловчи воқеалар эди. Янги адабиёт намуналарида эса меҳр бор эди, самимият бор эди, жозиба бор эди. Шунда билдикки, адабиёт ёмон одамни ҳам, яхши одамни ҳам бир хил назар билан кузатади, ҳаётга холис қарайди. Унинг адаби — ҳикмати шу.

Тасодифни қарангки, университетни тамомлаб, Эркин ака яқиндагина ишлаб кетган жамоа — «Ёшлик» журналига келиб қолдим. Яна денг, у кишининг таълимини олган ёзувчиларнинг қўлига тушдим, устознинг шогирдларига шогирд тутиндим. Бири — Набижон Боқий эди, тўғрисўзлик, чўртесарликда Эркин Аъзамовдан ҳам ўтар эди. Бири — Нурилло Отахон эди, сўзни ҳис этиш ва танлаш борасида ўта «инжиқ» — нақд Эркин Аъзамовнинг ўзгинаси эди.

Нимасини айтасиз, мен — Самарқандда таълим олган, Тошкенти азимдек пойтахт шаҳардаги адабий муҳит талабларини мутлақо тушунмайдиган содда, бўш-баёв бир талаба, Яхшибоев деган адабий қаҳрамонимиз таъбири билан айтганда, «Кўкламов болам» — ижодий фаолиятимнинг илк давриданоқ мана шундай талабчан ижодкорлар қўлига, аниқроқ айтганда, Эркин Аъзамов юргизиб кетган тегирмонга тушганман. Бирор нарса ёзгудек бўлсам, «аъзамовчи»ларнинг бири олиб, бири қўйиб, бундай эмас, мана бу сўзинг нотўғри, жумла ўхшамабди, ифода ўзбекча эмас, Эркин акам бизга мана бундай ўргатган, дея дакки берарди.

Хуллас, икки йиллик азоб-уқубат билан анча нарса ўргандим. Бошим айланиб яна Эркин ака ишлайдиган идора — Ахборот агентлигига бориб қолдим. Бу орада у киши «Тафаккур» журналига бош муҳаррир этиб тайинланди. Эртасигаёқ ҳузурига чорлади: сездим — пешонамга қаттиққўл таҳрирчилар билан ишлашдан ўзга толе битмаган экан. Тақдирга тан бериб, мардларча рози бўлдим. Эркин ака ҳам мардларча тан олиб деди: **«Муртазобой, талаб қаттиқ бўлади, лекин кўрқманг, менинг қаҳримга яраша меҳрим ҳам бор».**

Устоз анча муболаға қилдилар, билдим. Тўрт йил бирга ишладим, лекин заррача қаҳр кўрмадим, фақат меҳр кўрдим. Инсофу диёнатни ўртага қўйиб айтганда, Эркин Аъзамовдек чин зиёли, оқибатли инсонда қаҳр нима қилсин?

Ўрни келди, устозга хос фазилатлар баёнига ўтайлик.

Биринчиси — ҳалоллик. Меҳнатни ҳалол қилади. Иш устида тортишиш, талабчанлик қилишлари шундан.

Азалдан ижодкор халқига бир нарсани уқтириш, тушунтириш осон эмас. Нозиктаъб бу қавмнинг арзимаган бир сўздан кўнгли озор топиши, дили оғриши мумкин. Лекин Эркин ака муомалани жойига қўяди. Хатоингизни кўрсатишдан олдин ютуқларингизни айтиб роса хурсанд қилади. Ана ундан кейин раъйига юрмай кўринг-чи.

Иши батартиб. Эътибор берганман, эрталаб ишга келиши билан столини обдон артиб чиқади (гарчи фаррош артиб-тозалаб қўйган бўлса ҳам), эгни бошини қоқиб тозалаган бўлади (гарчи уйдан чиқибоқ машинага ўтирган бўлса-да), кейин қўлини чайиб, артиб, «Ҳа, шуйтиб ишни бошладик бўмасам» деб ишга киришади.

Чой узатса, қоғозча қўшиб узатади — стол доғ бўлмасин.

Журнални ҳам ана шундай ҳалол чиқарсам дейди, асарини ҳам ана шундай покиза қилиб ёзсам, дейди. Шунинг учун ёзганлари ичида чоп этилганидан чоп этилмагани кўп.

Fаладонида ётган бинойидек асарларни кўрганман. Устоз уларни «бўлмайди»га чиқарган.

Бўладиганлар эса аллақачон адабиётимиз мулкига айланиб кетган. «Жавоб», «Байрамдан бошқа кунлар», «Пакананинг орзуси» каби қиссалари, «Боғбололик Кўкалдош», «Анойининг жайдари олмаси», «Пиёда», «Қайдасан, Ленинград?» каби ҳикоялари, долзарб мавзулардаги мақола, бадиа ва суҳбатлари, мана, орадан йиллар ўтса ҳамки, ҳануз қизиқиб ўқилади.

Вақтида уларнинг ҳар бири устида қанча баҳс-мунозараю тортишувлар бўлган.

Яна бир фазилати — оқибатлилик, одамохунлик. Шунинг учун дўсту биродари кўп, олдидан одам узилмайди. Гурунгини тинглаб зерикмайсиз. Ҳар бири — бир ҳикоя.

Яна бири — олижаноблик. Имкон қадар яхшилик қилиб яшашга интилади.

Яна бири — маърифатпарварлик. Бир нарса ўқиса, тушуниб ўқийди, бир нарса ҳақида гапирса, тушуниб гапиради.

Яна бири — ошиқлик. Ҳаётни, гўзалликни, сўзни севади ва қадрлайди.

Бундай фазилатлар ижодкор халқининг ҳаммасига ҳам хосда, дейишингиз мумкин. Жуда тўғри. Биз ҳам Эркин Аъзамовнинг ҳақиқий ижодкор, ҳақиқий зиёли эканини таъкидламоқчимиз, холос.

50 ёш остонасида турган ёзувчи ижоди ҳақида кенгроқ тўхталиш, ичимизда сақлаб юрган гапларни айтиб олиш имкони туғилган экан, бундан нега фойдаланмайлик.

Эркин Аъзамов асарларидаги ўзига хослик ижодни у кишидан олдинроқ бошлаган, унга тенгдош бўлган, у билан бир пайтда адабиёт эшигини қоққан ижодкорлар асарлари билан бир бутун ҳолда олиб қаралганда яққолроқ намоён бўлади. Бу авлодга мансуб ижодкорлар асарларида миллий руҳ, миллий ўзига хослик етакчи ўринга чиқа бошлаган эди. Улар шеъриятда Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов бошлаб берган анъана — адабиётда миллат руҳини қайта уйғотиш ишини насрда амалга оширишга киришган эди. Бошқача айтганда, бу даврда, худди 20-йиллардаги каби, насрда миллат муаммосининг ҳаққоний тасвири бошланди — бу халқ нега бундай муте ҳолга тушиб қолди, унинг фожиаси сабаблари нимада, деган саволларга бадиий йўллар билан ҳаққоний жавоб изланди.

Бу асарлар қаҳрамонлари ясама, тайёр андозага солинган қаҳрамонлар эмас эди. Улар социалистик реализм услуби талаб этадиган курашчиларга ҳам ўхшамасди.

«Жавоб» қиссасида адиб аслида, одам озгина журъатли, ўз йўлида собит бўлмоғи лозим, муте одам — икки дунё ораси, деган ғояни ифодаламоқчи бўлган. Лекин уни бугунги назар билан ўқисангиз, бошқача хулосага келасиз: фаол курашчанликни тарғиб этадиган коммунистик мафкурага аслида бўш-баёв одамлар керак эди. Шунинг учун у жамият озгина журъатга ҳам тоқат қилолмас эди.

Эркин Аъзамов қаҳрамонлари — ўз дарди дунёси билан қоришиб, саркашу қайсар туйғулари билан мамнун бўлиб яшайдиган одамлар. Ёзувчи атайлаб уларни «тийиб» қўймайди. Баъзан «тийиб» қўйишга «кучи» ҳам етмайди.

Гўзал тил, теран тафаккур, зийрак нигоҳга эга бўлган адиб ҳаммабоп, «ютиш»га осон асар ёзишдан қочади. Кўнглидаги дард ҳикматга айланиб, қиёмига етмагунича қўлига қалам олмайди. Шунинг учун унинг далли-ғулли, тўпори, қайсар қаҳрамонлари ҳам кутилмаганда бир ҳикмат ифодасига айланади.

Ёзувчига хос самимият унинг қаҳрамонлари мисолида яққол кўриниб туради. Шоир Хуршид Даврон бир пайт «Эркиннинг ҳикояларини ўқисам, унинг ўзи билан суҳбатлашгандек бўламан» деган эди. Бу — ана шу самимият эътирофи, десак муболаға бўлмас.

Адиб ижоди янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди. Лекин у ижодий кучининг аксариятини савобга, муҳаррирликка, бошқаларнинг ёзганларини (ёзганларини эмас, қораламаларини) тилимиз оҳангига тушириш, «хомашё»дан маҳсулот ясашга бағишлаган.

«Тафаккур»га ўхшаш журналларга келадиган материалларнинг қарийб 70-80 фоизи таҳрирталаб, суроби тўғриланмаган нарсалар бўлади. Тайёр, «қош-кўзи» жойида бўлган мақола — нақд анқонинг уруғи. Олимлар кўп, илмга даъвогарлар кўп, аммо бирор масаланинг кифтини келтириб ёзадиганлар кам. Бундай пайтда журнал чиқариш, уни жамият учун маънавий озиқ бўладиган фикрлар билан бойитиб бориш осон эмас. Унинг ҳар бир сони лойиҳасини тузишу амалга оширишнинг ўзи диссертация ёзиш, илмий тадқиқот қилишдан ҳам мураккаб жараён.

Илм соҳасидаги одам бир-икки мақола чоп эттирса, эвазига илмий даража, илмий унвон талаб этади. Ўз эли, ўз тилининг фидойиси бўлган ёзувчи бундай мақолаларнинг нечтасига сайқал бериб, «бош-оёғи»ини тўғрилаб, қаерига қандай чизиқ тортиш, қандай ранглар билан безашгача бош қотириб, журнални ўқувчи дастурхонига тайёр таом қилиб узатади. Лекин талаб этадиган арзимас бир нарса: худо хайрингизни берсин, олим жўралар, тилимизни ҳурмат қилинг, ҳеч қурса эга-кесимини тўғрилаб ёзинг!

Мен устознинг сўзга, ижодга ўта талабчанлигига неча бор гувоҳ бўлганман. Бундан икки йилча муқаддам «Пиёда» ҳикояси асосида фильм суратга олинди. Фильм муаллифи ва ижрочилари ҳикоянинг руҳи ва фалсафасини мутлақо тушунмагани шундоқ кўриниб турарди. Эркин ака дастлабки муҳокамадаёқ фикрини дангал айтиб қўя қолди: «Бу — мен истаган фильм эмас. Шунинг учун номимни муаллифлар рўйхатидан олиб ташланглар».

Кейинги йилларда муҳаррирлик, ижодкорлик устига яна бир юмуш — депутатлик ҳам қўшилди. Ўртада уйрўзғор, турмуш ташвишлари ҳам бор. Устоз ҳаммасига улгуради. Чунки кўнглида ишлаш, яшаш иштиёқи зўр.

Мен Бойсунда бўлмаганман. Лекин Эркин Аъзамов билан гаплашсам, бу қадим юртга боргандек, унинг мард ва танти одамларини кўргандек бўламан. Унинг қалбидаги меҳр, самимият, дилкашлик ҳақиқий Бойсун бўлиб туюлади менга.

■ Муртазо ҚАРШИБОЕВ

АВАЗЧЎЛДА ОЛТИН ЎНДИ

Қашқадарёнинг жанубий-ғарбида жойлашган Авазчўл чўлларида 2000 йилнинг дастлабки ҳосили нишона берди. Бу хабар баъзи бировлар учун бироз ғалати туюлиши мумкин, зеро, мазкур ҳудудда авваллари ҳеч қачон пахта етиштирилмаган эди.

Ғафур Ғулом номли давлат наслчилик-қорақўлчилик хўжалик-заводи директори Мамат ҳожи Жумағулов ушбу янгиликнинг ташаббускори бўлди. Авазчўл меҳнаткашлари чорванингтина эмас, балки пахта етиштиришнинг ҳам усталари эканлигини амалда исбот қилдилар.

Авазчўлликлар ўтган йили 90 гектар майдонда оқ олтин етиштирган эдилар. Ҳосилдорлик гектаридан деярли 30 центнерни ташкил этганди. Бу чўл ҳудуди учун жуда яхши кўрсаткич эканлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Қоракўлшунос пахтакорлар мазкур йилда оқ олтин майдонларига яна ўн гектар қўшдилар. Ўтган йили янги соҳадан деярли 15 миллион сўм фойда олиниб, соф даромад 3 миллион сўмни ташкил этган эди. Бу йилги ҳосилнинг чўғи эса авазчўлликлар аввалги йилга нисбатан анча кўп даромадни қўлга киритажакларидан дарак бериб турибди.

■ «Туркистон-пресс»

КАРАТЭЧИЛАР ЗАФАРИ

Мамлакатимизда спортнинг каратэ тури йилдан йилга оммавийлашиб, маҳоратли ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Юртдошларимиз халқаро майдонларда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Куни кеча Шотландиядан хушхабар келди. Глазго шаҳрида жаҳон кубоги учун ўтказилган мусобақада каратэчиларимиз зўр маҳорат кўрсатиб, тўртта олтин медаль соҳиби бўлдилар. Уларни шарафлаб мадҳиямиз таралиб, байроғимиз кўтарилди. Шунингдек, республика каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасовнинг шогирдлари 3 та кумуш, 5 та бронза медалига эга бўлиб, жамоа ҳисобида ҳам мавқеларини мустаҳкамлашди.

■ Шаҳноза АБДУЛАЗИЗОВА

БЕЛГИЯДА БАЙРОҒИМИЗ КЎТАРИЛДИ

Маълумки, ўлкамизни барча неъматлар билан Тангри сийлаган. Фақат, уммонлардан олисмиз, холос. Зеро, инсон табиатан йўққа ошуфта, билмаганига қизиқади. Шу боис, кема моделчиларимиз Монс шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолиб келишди. А. Разумовскийнинг ютуғи шарафига мовий яшил байроғимиз кўтарилди. Ш.Исматиллаев эса кумуш медаль билан қаноатланди.

■ Иқбол ЭШОНҚУЛОВА

«ВОДИЙ ОВОЗИ» ЯНГРАМОКДА

Фарғона шаҳрида ўзбек халқи миллий қадриятларини тарғиб этиш, анъанавий қўшиқчилик ва мусиқа, аския ҳамда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш мақсадида «Водий овози» деб номланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда Фарғона водийси вилоятлари шунингдек, қўшни Тожикистон Республикаси санъат намояндалари иштирок этдилар. Кўрик-танловнинг сараловчи босқичида бир қатор ёш иқтидорли хонандалар кашф этилди. Кўрик-танлов ғолиблари ичида Хўжанд шаҳри вакили, Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Тўлқинжон Тожибоевнинг борлиги ҳам диққатга сазовордир. Эндиликда анъанавий бўлиб қоладиган ушбу кўрик-танлов Фарғона водийсида қўшиқ ва аския санъатини янада юқори поғонага кўтаришга хизмат қилиши шубҳасиз.

■ Алишер ИБОДИНОВ

САМОГА СОЧИЛГАН ЮЛДУЗЛАР

ЎН ЕТТИ ШАҲИД РУҲИ ШОД БЎЛҒАЙ

Эртага 11 август. Ашаддий мухлислар бу кунни ҳаяжон ва изтироб билан кутадилар. Боиси, 70-йилларда нафақат собиқ иттифоқ, қолаверса Оврупада ҳам оғизга тушган «Пахтакор» жамоаси авиаҳалокатга учраган эди. Келинг яхшиси, ўша баҳодир пахтакорчилар номини яна бир тилга олайлик: Идгай Тазитдинов, Мансур Толипжонов, Михаил Ан, Олим Аширов, Равил Агишов, Константин Баканов, Шуҳрат Эшбўтаев, Юрий Загуммених, Владимир Фёдоров, Сергей Покатилов, Александр Корчёнов, Виктор Чуркин, Сирожиддин Бозоров, Владимир Собиров, Владимир Макаров, Николай Куликов, Владимир Чумаков.

Бу йил биринчи марта пахтакорчилар ёдига бағишланган тадбир халқаро мақом олди. Ёдгома тадбирларини республика футбол федерацияси, М. Ан номидаги футболни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳамда «Пахтакор» жамоаси фахрийлар жамғармалари ташкиллаштирди. Бош ҳомий—Россиянинг «МиР» жамоат бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон ҳаво йўллари, «Кока-кола» компаниялари. Кеча «Пахтакор» — «Қайрат», ЦСКА — Украина фахрийлар жамоалари майдонга тушгандилар. Бугун Ангренда «Қайрат» — ЦСКА, Жиззахда «Пахтакор» — Украина жамоалари учрашадилар.

Эртага эса Украина — «Қайрат» учрашувлари бўлади. Шунингдек, «Пахтакор — 79» хотира турнири финалида «Пахтакор» — «Нефтчи» футболчилари майдонга тушадилар.

Шундай, пахтакорчиларнинг ёди сира кўтарилмагай. Шоир айтмоқчи:

Ёмғирлар қуяди,
Қор ўтар ёғиб,
Мен-чи, айтганим йўқ
ҳануз юпанч сўз.

Шаҳар ўртасида —
фалакка боқиб —
Киприк қоқмай ётар
умидвор бир кўз...

Ҳа, бу марказий стадион. Ана шу улкан кўз жилвасида яна юлдузлар бодрайди, деб умид қиламиз.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

ИЕ, ЙЎҒ-Э, НАХОТКИ?!

ЖАРИМАГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Испанияда уй ҳайвонларини ҳимоя қилувчилар эндиликда ит ва мушукларни кўчага чиқариб ташловчиларга қарши кураш бошлашди. Сабаби, биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатда 100 минг мушук ва 74 минг ит ўз эгалари томонидан кўчаларга чиқариб юборилган. Ўшандан бери кўчалардаги аҳвол ёмонлашиб бормоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида уй ҳайвонлари ҳимоячилари қоидани бузганларни қаттиқ жазолашга киришдилар. Эндиликда кимки ит ё мушукини кўчага «улоқтирса» 50 минг песетдан (320 доллар атрофида) 3 миллион песетгача жарима тўлайди. Бу яхши русумдаги яп-янги машина пули билан тенгдир.

ЁҒЛАНГАН ПУЛЛАР

Познан аэропорти божхонасида Уганда фуқаросининг мазаси қочиб, бирдан ҳушидан кетди ва қон босими туша бошлади. У Германияга учаётганди, божхона кўригида бирдан... Яхшиям шифокорлар зумда етиб келишди ва «овқатдан заҳарланган» дея қустириш муолажасини қўллашди. Буни қарангки, касалнинг оғзидан дойч маркалар отилиб чиқа бошлади ва ҳаммаси бўлиб 10 минг дойч марка йиғилди. Тажрибали божхоначилар ва шифокорлар бундай воқеанинг биринчи марта гувоҳи бўлишаётганини айтишди.

Маълум бўлишича, угандалик бу йигит неча йиллаб йиққан дойч маркаларини божхоначилардан эҳтиётлаб, ёғлаб туриб ютиб юборган экан ва Угандадан Польшагача ҳеч нарса бўлмагандек келиб олибди. Лекин Познан аэропортида касални иситмаси ошкор этди, дея хабар беради Польшада чиқадиган «Жича Варшавы» газетаси.

ХУШЧАҚЧАҚЛИКНИ ҚАДРЛАШАДИ

Немис аёллари қандай эркакларни яхши кўришади, деган саволга жавоб топиш учун яқинда у ерда социологик тадқиқотлар ўтказилди. Маълум бўлишича, немис аёллари ҳазил-мутойиба туйғуси кучли бўлган эркакларни жуда қадрлашар экан. «Сен учун идеал бўлган турмуш ўртоғинг, авваламбор ҳазил-мутойибани севиши, қолаверса, болаларни яхши кўриши керак ва шу билан бирга қобилиятли бўлиши лозим» дейди сўровда қатнашганларнинг барчаси. Бундан ташқари атир ҳидини бурқситиб, тоза кийиниб, айниқса, туфлиларини ярақлатиб юрган эркаклар ҳам аёллар ҳурматига сазовор экан.

«Ақл эмас, куч-қомат керак» деган бир вақтлардаги ақида бугунги кунда ўз кучини йўқотган. Фақат 15 фоиз аёлларгина кучли, қоматдор эркакларни хуш кўришини баён этишган.

■ Умматали ТЎРАХОНОВ тайёрлади.

«Тошкентсут» акциядорлик жамияти жамоаси жамият бошқаруви раиси Равшан Ҳамидуллаевич Миркосимовга отаси
Ҳамидулла ота МИРКОСИМОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқаро Шароф Рашидов фонди жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, боғдорчилик, узумчилик илмий ишлаб чиқариш корпорацияси раиси, академик, Меҳнат Қаҳрамони, халқаро Шароф Рашидов фонди фахрий аъзоси
Маҳмуд Мирзаевич МИРЗАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, яқинларига чуқур қайғу билан таъзия билдирадилар.

«АОО Дилором» хусусий фирмаси жамоаси «Тошшаҳармаишийхизмат» уюшмаси бошқаруви раиси Саидумар Аъловга отаси
Акай АЪЛОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

БОШ МУҲАРРИР
Азим СУЮН

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат ва ҳуқуқ — 133-44-55
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-12-56
Котибият — 133-21-43
Реклама ва эълонлар 133-47-80, 133-38-55,
Факс — 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи
Акбар ЖОНУЗОҚОВ
Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Бахтиёр Жуманов

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00004
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 702

Топшириш вақти -- 21.00.
Топширилди -- 21.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА